

Дунёда Абдулла Қодирийдек бахтиқаро ёзувчи кам бўлади. Мустабид шўро жаллодлари уни қатағон қилдилар, минг бора жабр кўрсатдилар, охири ўлдириб қутулдилар. Дунёда Абдулла Қодирийдек бахтиёр ёзувчи ҳам камдан-кам бўлади. Ҳар қандай қатағонларга, қамоқقا тиқилиш ва сургун бўлиш хавфига қарамай, китобхонлар “Ўткан кунлар”ни ўқийвердилар, ўқийвердилар, ўқийвердилар!..

Яхши отадан яхши фарзандлар, яхши адибдан эса фарзандлар ва яхши асарлар қолади, деган гап бор. Чиндан ҳам шундай. Қодирий домланинг фарзандларидан бири – Ҳабибулла Қодирий яхши инсон ва истеъододли қаламқаш эди. Ҳабибулла аканинг “Отам ҳақида” китобининг дунёга келиши ҳам асл фарзанднинг ота олдидаги бурчини адо этишига мисол бўла олади. Ҳабибулла аканинг бу китоби тезда машҳур бўлиб кетди. Сабаби – унда эл севган адибнинг Инсон сифатидаги олами тасвирланган эди...

Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчisi

“Хидоят” журналининг 2013 йил 8-сон